

## **РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

**Юнусметова Насиба Сатимбековна**

*Сирдарё вилояти Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази  
Узлуксиз касбий таълимни ташкил этиши бўлими бошлиги*

**Аннотация:** мақолада ўқувчиларнинг мантиқий ижодий ёкиназарий тафаккурларини ривожлантириш, ривожлантирувчи таълимнинг хусусиятлари, дидактик принциплар тизими очиб берилган.

**Калит сўзлар:** педагогика, тафаккур, ўқувчи, мақсад, вазифа, мазмун, шакл, усул, дидактик, синтез, интеллектуал, қобилият.

Таълим мазмунининг бойитилиши, янги ўқув фанларини ўқув дастурига киритиш орқали эришилади. Ўқитиш методлари ва услублари учун кўп қирралилик, жараёнлилик, вариативлик ва зиддиятлиликни (қарама-қаршиликларни) ҳал қилиш билан тавсифланади. Янги дидактик принципларга асосланган методлар таълим мазмунини тўғридан-тўғри акс эттириш натижаси бўлмаган ақлий фаолият шаклларининг пайдо бўлишига ёрдам беради, аммо педагогик таъсирларни синтез қилиш, умумлаштириш асосида, яъни психологиянинг ички иши натижасида юзага келади. Тафаккур соҳасида бундай синтез нафақат ақлий фаолиятнинг усулларини ўзлаштиришга, балки тафаккурнинг ҳақиқий ривожланишига олиб келади. Бу таълимнинг дидактик асоси ўқувчиларнинг ўзлари томонидан амалга ошириладиган фаолият орқали шартлангандир. Ўқувчилар нафақат муаммоларни ечибгина қолмай, балки вазифанинг мазмуни ва уни ҳал қилиш йўлларини мухокама қилишади, шунингдек турли хил ҳодисаларни кузатиш, таққослаш, гурӯҳлаш, хуносалар чиқариш ҳамда қонуниятларни аниқлаштиришдан иборат ҳисобланади.

Назарий нуқтаи назардан, ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига қаратилган ўқитиш методикаси - анъанавий таълимнинг психологик асосига, мақсад, вазифа, мазмун, шакл, усул ва фаолият мезонларига кўра муқобил бўлган “ривожлантирувчи таълим” концепциясида ўз аксини топган.

Ривожлантирувчи таълим ўзгача асосларда қурилган, унинг психологик асосини қўйидаги концепция ташкил этади. “Педагогика кечаги кун билан эмас, балки болаларнинг эртанги ривожланиш куни билан бошқарилиши керак.Faқат шундагина у ўқув жараённида ҳозирда яқин ривожланиш худудида бўлган ривожланиш жараёнларини жонлантира олади”.

Таълимни ривожлантириш назариясига алоҳида эътибор қаратилиб,

унга ижодий тушунча берилган. Турли хил ўқитиш усулларини боланинг ривожланишига таъсирини ўрганиб чиқилиб, ўқувчиларнинг умумий ривожланиши учун жуда самарали бўлган бошланғич таълимнинг дидактик тизими яратилган. Тизимнинг асосида қуидаги дидактик принциплар ётади:

-юқори даражадаги мураккабликда ўқитиш; назарий билимларнинг етакчилик роли;

-дастурий материалларни тез-тез ўрганиш;

-барча ўқувчиларни ривожлантириш бўйича мунтазам тизимли равишда иш олиб бориш;

-мактаб ўқувчиларининг ўқув жараёни тўғрисида хабардорлиги, ўқитиш мазмунининг ўзгачалиги, чунки у мактаб ўқувчилариға фан, адабиёт, санъат, моддий маданият қадриятлариға асосланган дунё ҳақида умумий тасаввурни беради.

Вазифаларнинг тавсифи – ақлий фаолиятни юкландиганлик ҳолатига келтириш учун материал тақдим этади. Ўқитувчи жамоавий изланишни ташкиллаштиради, керакли фикрларни тўплайди, раҳбарлик амалга оширади ва ўқувчиларни уларни излашга чорлайди.

Маълумки, турли хил муаммоларни ҳал қилишнинг умумлаштирилган усулларини ўзлаштириш самарали тафаккур самарадорлигини оширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Чунки, тафаккурда етакчи рол умумлаштиришни шакллантиришга, яъни муаммолар элементлари ўртасида муносабатларни, боғланишларни ўрнатишга ва шу муносабатларни ўхшаш вазиятларга ўтказишга боғлик. Умумлаштириш – фаолиятнинг барча соҳалариға, шу жумладан таълимга ҳам тегишли бўлган инвариант тавсифdir. Кенгайтирилган шаклда бу позиция мазмунли умумлаштириш назариясида ўз аксини топган. Мазкур назариянинг етакчи педагогик ғояси - назарий билим ва назарий тафаккур асосида маҳсус ташкил этилган машғулотлар орқали болаларда маълум интеллектуал қобилиятларни шакллантириш мумкин, деган ғояни илгари суради. Бундай таълимнинг асосини мазмунли умумлаштириш тамойили ташкил этади, унга кўра бола атрофдаги дунёни инсоният билими илм-фан ва маданият тарихида, аниқроғи, мавхумдан аниқликкача бўлган тарзда ўрганиши керак. Муайян ҳодисани таҳлил қилаётганда, ўқитувчининг вазифаси болага унинг моҳиятини ажратиб ишга ёрдам бериш, кейин эса бу моҳиятнинг янги аниқ намоёнларини яратишдан иборатдир. Бундан оддий хулоса келиб чиқади: мавзуга оид

предмет материаларининг очиб берилиши – назарий умумлаштириш, тушунчалар тизимидағи даврда юз бераётган воқеаларни очиб берилишини намоён этади. Махсус тайёрланган машғулот натижасида бола ўрганилаётган материалнинг генетик келиб чиқишини ўрганиши керак. “Таълим беришда ушбу тамойилни амалга ошириш болалардан аниқ объектив ҳаракатлар орқали қўпайиши ва бир вақтнинг ўзида ўрганилаётган тизимнинг ўзига хос намойишлари учун универсал асос бўлиб хизмат қиласидан нарсаларнинг алоҳида алоқасини ўрнатишни талаб қиласиди”. Фоя болага ҳар қандайдир ҳодисаларнинг универсал шаклини таъкидлаш, тушунча мазмунининг келиб чиқишини аниқлашдан иборат бўлган мазмунли генетик умумлаштиришга ёрдам беришдан иборатдир. Кейинги ўзлаштириш мавхумликдан аниқликка ўтиш орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу ёндашув ўқувчининг

тафаккур турини рационал-эмпирикдан илмий-диалектикага, унумдорликка ўзгартиришга қаратилган. Мазмунли-генетик умумлаштириш илмий мавзунинг бутун “шажара дарахти” ўсадиган “хужайралар”нинг фундаментал тушунчаларини муҳокама қилишни талаб қиласиди. Шунинг учун ушбу назарияга асосланган ўкув дастури илмий-назарий тушунчалар тизими сифатида қурилган. Ўқитишнинг янги мазмунини ўкувчилар фақат ўқишга фаол ёндашишга асосланган махсус ишлаб чиқилган методика ёрдамида ўзлаштириши мумкин. Унинг учун асосий ҳолат - предметни ўзгартирадиган ҳаракатлар, ушбу предметда умумийликни кашф этиш ва таълим вазифаларини ечимини топиш орқали ундан хусусийни ажратишдир. Ўкув вазифасини ечиш усулини ўзлаштириш бўйича ўкувчининг ўкув фаолиятини ташкиллаштириш ва туртки бериш методи етакчи ҳисобланади. Етакчилик – ўкув вазифасини ҳал қилиш усулини ўзлаштиришда ўкувчининг ўкув фаолиятини ташкил этиш ва рағбатлантириш усулидир. Ушбу жараён ўкувчилар учун муайян ўкув вазифасини қўядиган ўқитувчининг ёрдами билан амалга оширилади; зарурат бўлганида, ўкувчилар билан биргалиқда ўрганилаётган предметда муҳим бўлган жиҳатни аниқлаш ва уни ечимини топиш шартларини ўзгартириш мумкин; қўйилган масалани ечимини мустақил излаши учун ўкувчига стимул беради, уларга амалга оширилаётган тафаккур амалларини англашга ва ажратишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, мазмунли умумлаштириш назариясида ўкувчилар таълим муаммоларини ҳал қилишда барча назарий билимларни ва тегишли кўникмаларни ўрганадилар, бу эса уларга хусусий ҳолатларни ўзлаштиришга қадар, қандайдир умумийликни ўзлаштиришга имкон беради. Муаммони ҳал қилишнинг асосий воситаси сифатида аниқ тафаккур ҳаракатлари, хусусан,

умумлаштириш учун мос бўлган тафаккур ҳаракатлар қўлланилади.

Шуни қайд этишимиз жоизки, мазмунли умумлаштириш назарияси дивергент тафаккурни ривожлантириш масаласини алоҳида ажратиб кўрсатмайди.

Ўқувчиларда интеллектуал қўникмаларини шакллантириш зарурати ғояси таълим-тарбия жараёни оптималлаштириш концепциясида ўз аксини топди. Ушбу қўникмалар орасида қуйидагилар унга тегишли деб ҳисобланади: фаолиятни рағбатлантириш, маълумотни пухта англаш, мантиқий эслаб қолиш, ўқув материалини мантиқий тузиш, ундаги асосий нарсани таъкидлаш, машқларни мустақил бажариш, ўқув-билиш фаолиятида ўзини ўзи назорат қилиш, муаммоли когнитив вазифаларни ҳал қила олиш қобилияти. Ўқувчилар бундай қўникмалар тизимини мақсадли, режали, тизимли равишда шакллантириш шарти билан янада муваффақиятли ўзлаштирадилар. Ўқувчилар бажарадиган тадбирларни мураккаблаштириш жараёнида қўникмалар аста-секин мазмун, шакл ва тузилиш жиҳатидан мураккаблашади. Дастлаб, ҳаракатлар ташқи, кейин ички режада шаклланади, сўнгра ўқувчилар қўникмаларнинг моҳияти билан танишадилар, кейин уларни турли шароитларда ишлатишни ўрганадилар. Агар ўқув жараёни мақбул шароитларда давом этса, интеллектуал қўникмалар муваффақиятли шаклланади. Оптималлаштиришнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат: ўқув мақсадлари ва вазифаларини мажмуавий қўйилиши; таълим мазмунидаги асосийларини ажратиб кўрсатиш; асосий дидактик шартларга қараб ўқитиш усуллари ва шаклларини танлаш ҳамда уйғунлаштириш; ўқув жараёни индивидуаллаштириш ва фарқлаш мақсадида ўқувчиларни доимий равишда ўрганиб бориш. Қайд этилган назариялар тафаккур жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган, аммо бу педагогик тизимларнинг ҳеч бири дивергент тафаккурни ривожлантириш вазифасини олдига қўймайди.

Дивергент тафаккурни таълим жараёни орқали ривожлантириш зарурлиги педагогик жиҳатдан равшан. Бироқ, ёш боланинг дивергент тафаккурини ривожлантириш муаммосининг психологик-педагогик даражаси етарли эмаслиги ушбу йўлдаги деярли ҳал қилиб бўлмайдиган тўсик бўлиб қолади.

Мазкур йўналишдаги мавжуд тадқиқотларни, шунингдек, бошланғич синфлар ўқувчиларининг дивергент тафаккурини ривожлантиришга қаратилган вазифалар тизимини яратишида, психологик-педагогик асослашда фойдаланилиши мумкин бўлган тадқиқотларни қўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, қуйидаги умумий күринишга келадиган илмий муаммо аниқланади: ҳар қандай ижодкорликни ривожлантириш дастури иқтидорли болалар учун фойдали бўлади, лекин у ихтиёрий ўқув фаолияти тўғрисида нотўғри ғояларни шакллантириб, иқтидорли болаларнинг меъёрий ривожланишига зарар етказиши мумкин. Бундай болалар учун маҳсус дастур ишлаб чиқиш керак, бунда етакчи ўринни нафақат ижодкорликни ривожлантириш, балки мотивацияни ривожлантириш ва ўқув-илмий-тадқиқот фаолиятини мустақил равишда тартибга солиш қобилиятини шакллантириш орқали эгаллаш керак.

Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, дивергент тафаккур тор маънода “ижодкорлик”ка синоним эмас, биз ҳам ушбу тушунчалар бир хил ва айний эмас, деб ҳисоблаймиз, дивергент тафаккурни ривожлантириш ташҳислаб бўладиган ва педагогик таъсирга эгадир. Бундан ташқари, ақл-идрокни ривожлантиришнинг умумий вазифаси доирасида дивергентлик, бир томондан, боланинг ижодини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади, иккинчи томондан, у мотивацияни, таълим фаолиятини ўзини ўзи тартибга солиш қобилиятини шакллантириш муаммоларини ҳал қиласди, шунингдек, боланинг умумий интеллектуал ривожланишига ҳисса қўшади. Шу нуқтаи назардан, бундай иш нафақат иқтидорли болалар учун балки ижодкорлик “ўртача” ва ҳатто етишмайдиган болалар учун ҳам фойдали бўлади. Шу билан бирга, ушбу ишнинг мақсадини болада ижодий ривожланиши умумий интеллектуал конвергент-дивергент ривожланиш сифатида ривожлантириш керак деб қарамаймиз. Умуман олганда, конвергент тафаккурни ривожлантириш бошланғич синфларда замонавий ривожланаётган ўқув дастурлари томонидан фаол амалга оширилаётганлиги сабабли, тадқиқотимизда бошланғич синф ёшидаги болаларда дивергент тафаккурни ривожлантириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратдик. Ҳар қандай жамоада, шунингдек алоҳида субъектда бир вақтнинг ўзида бир неча хил тафаккур турлари мавжуд бўлиши мумкин, инсон тафаккури, моҳиятига кўра, турличадир. Биргаликда меҳнат қилаётган инсонларда дивергент тафаккур турлари бир хил фаолиятда намоён бўлиши мумкин. Фаолиятнинг тавсифи ва якуний мақсадларига қараб, унинг маълум бир тури устунлик қиласди ҳамда ўқув жараёнида ҳар бирининг ривожланиши учун шарт-шароитларни билиш керак. Дивергент тафаккурнинг ўзига хос қарашларини асослаган ҳолда дивергентликни когнитив фаолиятнинг барча таркибий қисмларининг хилма-хиллиги бўйича ижодий марказ деб аташ керак. Бу боланинг когнитив ва амалий мақсадларини мустақил баён қилишида, илгари сурилган турли фараз ва тушунтиришларда, объективнинг турли

элементларини текширишда, турли хил ҳаракат усулларини қўллашда намоён бўлади. Бу эса тадқиқот предметини мослашувчанлиги ва кенглигини таъминлайди. Объект элементларининг хилма-хиллиги, бир томондан, болани улар билан қилаётган ҳаракатларининг ўзгарувчанлиги, бошқа

томондан, бола томонидан кузатилган натижаларнинг хилма-хиллигини таъминлайди. Ушбу турли хил натижаларнинг баъзилари янги мақсадларни белгилаш, янги ҳаракат усуллари ва стратегияларини қидириш ҳамда кашф қилиш, бола томонидан янги изоҳлаш тизимларини қуриш орқали амалга ошириладиган объектни билишнинг янги йўналишлари учун хизмат қиласди. Шундай қилиб, дивергент тафаккурни объектдан янги дивергент стратегияларни тадбиқ этиш натижасида келувчи янги маълумотларга стимул беради. Дивергентлик билан бир қаторда, эксперимент ривожланишининг тескари йўналиши жуда муҳим эканлигини - бола фаолиятининг муайян таркибий қисми яъни конвергентлик учун ягона вариантни танлашга йўналтирилганлиги таъкидланган. Ҳозирги пайтда мос келадиган ягона талқин қилиш тизимини қуришда, объектнинг ишлашига бўйсунадиган ягона принципни топишда, муайян вазиятда энг муносаб мақсадни танлашда, зарурий воситалар ва улар билан ишлаш усулларини танлашда намоён бўлади.

Бола фаолиятида дивергентлик ва конвергентлик бир-бири билан уйғунлашади: у фаолиятнинг баъзи таркибий қисмларини, масалан, мақсад, конвергент усулда қуриши мумкин, бошқалари, масалан, ушбу мақсадга эришиш усуллари дивергент усулда топилиши мумкин. Бундан ташқари, бола конвергент ёки дивергент тарзда излаётган фаолият таркибий компонентларининг муносабати, бола объектни идрок этишда ҳаракатланиши билан бир неча бор ўзгариши мумкин. Умуман олганда, тажриба-синов давомида тафаккур фаолият динамикаси қўйидаги хусусиятларга эгалиги аниқланган. Тадқиқотнинг дастлабки босқичларида диққат турли хил мақсадлар, ҳаракатлар усуллари ва объектнинг қўзғатилган реакцияларида намоён бўладиган дивергент типдаги маълумотларни қидиришга қаратилади. Кейинчалик доминанта роли аста- секинлик билан конвергент типдаги когнитив воситаларга ўтади, гарчи бу ўтиш жараёни сакрашлар ва қайтишлар билан, дивергент тафаккурнинг “чақнаши” асосида амалга ошиши мумкин. Якуний босқичда бирлаштирилган, иложи борича тўлиқ ва изчил талқин қилиш тизимини яратишга қаратилган конвергент типдаги маълумотларни тушуниш жараёнлари устунлик қиласди. Шундай қилиб, кулай шароитда экспериментни ривожлантиришнинг дивергент ва конвергент усуллари бир-бирини тўлдиради, бойитиб боради. Ноқулай варианtlарда конвергент компонент

устунлик қиласи. Боланинг ижодкорликка йўналтирилиши фаолиятни барча таркибий қисмларининг хилма-хиллигига қаратилганлиги турли хил комбинатор стратегияларни ихтиро қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши айниқса муҳимдир. Ҳатто мактабгача ёшдаги болалар ҳам бир нечта омилларни тўлиқ комбинаториал излашга, ушбу комбинацияланган таъсирлар орқали аниқланган маълумотларнинг маҳсус турини яъни омиллар ўртасидаги кузатиб бўлмайдиган ўзаро таъсирлар тўғрисидаги маълумотларни тушунишга ва обьектнинг ишлашини талқин қилиш учун етарли тизимни қуришга қодир. Шундай қилиб, кўп омилли обьекти бўлган болада тажриба-синов ўтказиш - тадқиқот, интеллект ва ижодкорлик энг самимий тарзда ўзаро таъсир қиласидиган фаолиятдир ва билиш натижалари ушбу ўзаро таъсирнинг уйғуналиги билан белгиланади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. F.Umarova, A.Ubbiyeva, F.Gaibnazarova, N.Jo'rayev “O'quvchi shaxsini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim. ”Umumta'lim maktablari o'qituvchilari uchun o'quv modullari. 2- modul, 2-nashr. T., “Bekinmachoq-plyus”.2013
2. D. Elmuratova. Theoretical Basis of Training Future Teachers to Innovative Professional Activities. Eastern European Scientific Journal. Б 194-197. Germaniya. Ausgabe 1-2017.
3. Элмуратова Д. Бўлғуси ўқитувчиларни инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг таркибий компонентлари Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети Ахборотномаси № 4 Б 44-46 .Нукус 2017
4. Элмуратова Д. Бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолиятга касбий тайёргарлигининг асосий кўрсаткичлари. ТДПУ Илмий Ахборотномаси, илмий-назарий журнал. № 1. Б.63-68 Тошкент 2019
5. Элмуратова Д. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини табиатшуносликдан касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари. Тафаккур сарчашмалари. Магистрларнинг илмий-амалий мақолалари тўплами. Б.247-249. ТДПУ, Тошкент 2010
6. Элмуратова Д. Проблемы подготовки будущих учителей начального образования к профессиональной деятельности. Интеграция науки и практики в современных условиях материалы VIII Международной конференции. Стр 91-93 Москва 2017
7. Элмуратова Д. Талабаларда креативликни ривожлантириш йўллари. Биология фанининг долзарб муаммолари ва уни ўқитишида инновацион технологиялар илмий-амалий анжуман материаллари тўплами .Б 138-141. ТДПУ. Тошкент 2017
8. Элмуратова Д. Acmeologic aspect of professional-pedagogical preparation of the future teacher of initial classes. Молодежь и наука: шаг к успеху Сборник научных статий Всероссийской научной конференции перспективных разработок молодых ученых. Стр 10-13. Курск 2017